

## “Санамлар сарвари” кўрик - танловида

Қумқўрғон агросаноат техникумида жорий йилнинг 5-март куни 8-март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Санамлар сарвари” кўрик танлови бўлиб ўтди. Бутун дунёда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни сифатида нишонланиши замирида олам - олам маъно мужассам.



Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан эса дунёни тебратишга қодир бўлган муҳтарама зот ҳисобланади. Шу боис, истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларимизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўринлари йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Қумқўрғон агросаноат техникумида техникум директорининг байрам табриги талаба-қизларига ҳамда аёл ўқитувчиларга ўқиб эшиттирилди.



ЎТИБДЎ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Ш. Олимов техникум жамоаси аёлларини байрамлари билан қутлар экан, уларга соғлиқ-саломатлик тилаб ва ўз меҳнати ва фидойилиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ хотин-қизларга эсдалик совғаларини топширди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**

